

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI BUXORO
DAVLAT UNIVERSITETI



SHARQ ALLOMALARINING ILMIY ME`ROSI

FAN DASTURI

Bilim sohasi: 200000 – San’at va gumanitar fanlar

Ta’lim sohasi: 220000 – Gumanitar fanlar (Tillardan tashqari)

Ta’lim yo’nalishi: 60220300 - Tarix (mamlakatlar va yo’nalishlar bo’yicha)

BUXORO -2025

Фан/модуль коди SHMB204		Ўқув йили 2025-2025	Семестр 6	ECTS - Кредитлар 4	
Фан/модуль тури Мажбурий		Таълим тили Ўзбек, рус		Хафтадаги дарс соатлари 4	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулотлари (соат)		Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Шарқ алломаларининг илмий мероси	60		60	120
2.	I. Фаннинг мазмуни Фанни ўқитишдан мақсад –талабаларда Ўрта Осиё заминидан етишиб чиққан алломаларнинг мероси ҳақида объектив таассурот уйғотиш. Ушбу қомусий алломаларнинг табиий ва ижтимоий фанларга қўшган ҳиссасини атрофлича таҳлил қилиш. Уларнинг дунё илмидаги ўрнини англаш. Фаннинг вазифаси – талаба ёшларда Шарқ алломаларини қолдирган маънавий меросга қизиқиш ўйғотиш ва бугунги тарбиявий ишларда улардан унумли фойдаланиш кўзда тутилади. II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари) II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради: 1-мавзу. Кириш. Фаннинг мақсад ва вазифалари Фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари. Ўрта Осиё алломаларининг фаолияти ва уларни қолдирган илмий мерослари жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Моддий ва маънавий маданиятимизнинг ноёб мероси бўлган Шарқ алломалари илмий меросини ва миллий маданиятлар ривожланишида уларнинг қўшган ҳиссаси каби назарий масалалари қамраб олади. 2-мавзу. Мусо ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний ва Аҳмад ал-Марвазийнинг ҳаётлари ва фаолиятлари Мусо Хоразмийнинг дунё фанига катта ҳисса қўшиши. “Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала” номли рисоласида “Алгебра” сўзига асос солиниши. Хоразмийнинг “Зижи” астрономиянинг ривожланишига туртки бўлиши. Боғдоддаги халифа ал-Маъмун саройида Хоразмий ижоди. Мусо ал-Хоразмий “Байт-ул Ҳикма”нинг илмий мудир. Мусо Хоразмийнинг 20 дан ортиқ асар яратиши. Унинг алгебрик рисоласини XII асрда Испанияда лотин тилига ўгирилиши, Мусо ал- Хоразмийнинг энг йирик астрономик асари – “Зиж” дир. Ушбу асарнинг аҳамияти. Мусо ал-Хоразмийнинг хизматларини жаҳон афкор оммаси томонидан эътироф этилиши. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг Сомонийлар подшоси Нух II нинг				

вазири Абул Хасан ал-Утбий ҳузурида котиб бўлиб ишлаши. “Мафотих ал-Улум” (Илмлар калитлари) асари Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг шоҳ асари. Ушбу асарда “Араб илмлари”нинг тавсифи. Фикҳ. Калом. Грамматика. Тарих. Шеърят ва аруз. “Мафотих ал-Улум” асарида анъанавий бўлмаган, яъни “Араб бўлмаган” илмларга тавсиф. Фалсафа. Мантиқ. Тибб. Арифметика. Хандаса. Илм ун-нужум. Мушиқа. Механика. Кимё. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва Ўрта Осиёда илмшунослик. Хоразмийнинг “Илмлар калити” асари 1163 йилги қўлёзмаси асосида голланд олими ван Флотен томонидан араб тилида 1845 йилда чоп этилиши.

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир алломадир. Ал-Фарғонийнинг Марвда ижод қилиши. Ал-Фарғонийнинг Боғдод- даги фаолияти. Ал-Фарғонийнинг расадхонада кузатишлар олиб бориши. Ал-Фарғоний томонидан 861- йилда Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчовчи нилометрни ясаши.

Ал-Фарғонийнинг “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби” асари ва унинг XII асрдаёқ Европада латин тилига таржима қилиниши. “Алфраганус” номи билан унинг асарларини Европада чоп этилиши ва Университетларда асосий қўлланма сифатида ўқитилиши. Ал-Фарғоний ўрта асрларда табиий-илмий билимларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган аллома. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан алломанинг 1200 йиллик таваллуд санасининг нишонланиши. Аҳмад Фарғонийнинг жаҳондаги эътирофи. 2007 йилда Ўзбекистон Президентининг Мисрга расмий ташрифи чоғида Равда оролида Аҳмад Фарғонийга ҳайкал ўрнатилиши.

Аҳмад ал-Марвазий (тахминан 780-880 йй.) нинг Боғдод илмий мактабида тутган ўрни. “Хабаш ал-Ҳосиб (Хабаш ҳисобчи)” Аҳмад ал-Марвазийнинг “Зижи” ва унинг аҳамияти. Ал-Марвазий халифа ал-Маъмун даврида олиб борилган тажриба ва илмий тадқиқотларнинг фаол иштирокчиси. Ал-Марвазийнинг 20 га яқин асарлар яратиши ва унинг фан тарихидаги ўрни.

3-мавзу. Имом ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийларнинг ҳаёти ва илмий мероси

Ҳадис илмининг ривожига олтин давр. Ислом дунёсидаги энг нуфузли манбалар деб тан олинган 6 та ишончли ҳадислар (Ас сиҳоҳ ас-ситта). “Ҳадис илмида Амир ал-Мўъминийн” деган шарафли номга сазовор бўлган Имом ал-Бухорийнинг илм излаб саёҳат қилишлари. Имом Бухорийга сабоқ берган устозлар. Термизлик машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизий ал-Бухорийга ҳам шогирд, ҳам сафдош. Имом ал- Бухорийнинг Нишопурдаги фаолияти. Имом ал-Бухорийнинг Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухалий билан алоқасининг бузилиши.

Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, “Ал-Адаб ал-муфрад” асрлари. Имом ал-Бухорийнинг ҳадислар тўплами. Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган манба. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан буюк ҳадисшунос олимнинг 1225 йиллик

таваллуд кунининг нишонланиши. Имом ал-Бухорий мақбарасининг қайта тикланиши тарихий воқеа.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг ҳадисшунос олим бўлиб етишишидаги омиллар. Унинг шарқ мамлакатларига сафари. Алломанинг устозлари. Буюк муҳаддис мактабидан етишиб чиққан шогирдлар. Ат-Термизийнинг “Ал-Жомий”, “Аш-Шамоил ан-Набавийа”, “Ал-илал фил-ҳадийс” каби асрлари ва уларнинг ислом оламидаги аҳамияти.

“Аш-Шамоил ан-Набавийа” асари пайғамбар Муҳаммад алайҳис-саломнинг шахсий ҳаётлари, суврат ва сийратлари, одатлари ҳақидаги 408 ҳадисни ўз ичига олган муҳим манбадир.

Ат-Термизийнинг 1200 йиллик юбилейини 1990 йилда ўтказилиши.

4-мавзу. Абу Наср Форобий ўрта асрнинг буюк қомусий олими

Абу Наср ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машҳур файласуф. “Муаллим ус-соний” Форобий ижодида Боғдод даври. Форобийнинг ўз илмини оширишдаги саъйи ҳаракатлари. Форобийнинг Дамашқдаги фаолияти. Форобийнинг ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асарлар яратиши. Форобийнинг қадимги Юнон мутафаккирлари асарларига шарҳлар ёзиши. Унинг фалсафанинг умумий масалаларга бағишланган асарлари. Фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлари. Унинг ижтимоий-сиёсий, давлатни бошқаришга, ахлоқ, тарбияга оид асарлари. Форобийнинг табиий-илмий фанлар ҳақидаги қарашлари. “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” асарида 30 дан ортиқ фаннинг таърифи. Форобийнинг фалсафий таълимоти. Борлиқнинг келиб чиқиши ҳақида Форобий. Форобийнинг “Илм ва санъатнинг фазилатлари” асари. Форобийнинг “Ақл маънолари ҳақида” рисоласи. Форобий томонидан Ўрта аср мутафаккирларидан биринчи бўлиб жамият ҳаёти хусусиятлари ва тузилишини ўрганиш муаммосини ишлаб чиқилиши. Фаробий томонидан мантиқ бўйича қатор тадқиқотларнинг амалга оширилиши. Форобий лирикасининг мусулмон шарқидаги матикқа оид фикрларининг ривожига таъсири.

Форобийнинг “Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги” рисоласи. Фозил жамият ҳақидаги ўйлар. Форобийнинг “Муסיқа ҳақида катта китоб” асари, унинг ўрта асрда йирик муסיқашунос сифатида шухрат топишига сабаб бўлиши. Шарқдаги Форобий издошлари. Фанда Форобийшуносликнинг ривожланиши. 1975 йилда ЮНЕСКО қарори билан унинг 110 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши.

5-мавзу. Абу Мансур ал-Мотурудий – буюк калом имоми ва фикҳ

алломаси. Қаффол аш-Шоший Ўрта Осиёлик буюк аллома

Абу Мансур ал-Мотурдий сунний эътиқодидаги икки йирик оқимлардан бири бўлмиш Мотурудия оқимининг асосчиларидан. Мотурудийнинг Самарқандда дастлабки илмларни ўрганиши. Сомонийлар ҳукмронлик йиллари аллома яшаган давр. Ал-Мотурудийнинг устозлари. Унинг Ҳанафия мазҳаби олимларидан сабоқ олиши. Фақиҳлар ва муҳаддислар билан мулоқотлар.

Абу Мансур ал-Мотурудийнинг “Китоб ат-тавҳид” асари ва унинг аҳамияти. Унинг ислом динидаги суннийларнинг тўртта асосий мазҳаби асосчисиларининг асарларини ўрганиб, фикҳ ва каломга оид китоблар ёзиши. “Таъвилот ал-Қуръон ” асари.

Абу Мансур ал-Мотурудийнинг издошлари ва шогирдлари. Унинг ислом дини Ҳанафия мазҳабини Мовороуннаҳрда тарқалиши ва ўзидан кейинги авлодларга қусурсиз етказишда катта ҳисса қўшиши. Мотурудийнинг дунё олимлари томонидан эътироф этилиши. Мотурдийнинг “Имом ал-Худо” ва “Имом ал-мутакаллимин” (Ҳидоят йўли имом ва мутакаллимлар имоми) дея эҳтиром кўрсатилиши. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 декабрда қабул қилинган қарорига биноан 2000 йилда алломанинг 1130 йиллиги таваллуд санасининг нишонланиши.

Абу Бакр ибн Али Исмоил Қаффол аш-Шоший (903-976 й.й.)нинг дастлабки сабоқлари. Унинг Имом ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийларнинг илмий мероси орқали танишуви. Қаффол аш-Шошийнинг фикҳ билимларини атрофлича ўрганиши. Унинг Ҳижоз, Боғдод, Дамашқ каби шаҳарларга илм излаб бориши. Қаффол аш-Шошийнинг қонуншунос ва тарих бўйича устози Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Аш-Ашъарий Қаффол аш-Шошийнинг иккинчи устози. Ундан калом илмини ўрганиши. Қаффол аш-Шошийнинг “Одоб ал-Қози”, “Одоб ал-Баҳс” асарлари. Қаффол аш-Шошийнинг қонуншуносликга оид асарларининг ислом мамлакатларига кенг тарқалиши. Қаффол аш-Шошийнинг дипломатик номалари. Қаффол аш-Шошийнинг “Ҳазрати Имом” дея улуғланиши.

6-мавзу. Абу Али ибн Сино – Ўрта Осиёлик буюк энциклопедист аллома

Абу Али ибн Сино яшаган даврга характеристика. Ибн Синонинг дастлабки сабоқ олишлари. Ибн Синонинг Маъмун Академиясидаги фаолияти. Уни Исфahонга қочиши. Ибн Сино ҳаёти ҳақида Жузжоний. Ибн Синонинг 450 дан зиёд асар ёзиши. Унинг “Китоб уш-шифо” асари. “Донишнома” Ибн Синонинг фалсафий асари. Ибн Сино замонасининг етук шоири. “Уржуза” номли тиббий асар. Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари ва унинг аҳамияти. “Қонун”нинг 800 йил давомида ҳакимлар учун асосий қўлланма бўлиши. Ибн Синонинг анатомияга бир қатор янгиликлар олиб кириши. Жарроҳликнинг ривожланишида Ибн Синонинг ўрни. Ибн Синонинг Мусулмон Шарқидаги қадимги доришуносликдаги ўрни. Ибн

Синонинг фалсафий қарашлари. Унинг “Шайх ур-раис” номига сазовор бўлиши. Илмлар таснифида унинг табиий фанларни биринчи ўринга қўйиши. Ибн Синонинг издошлари ва шогирдлари. Ибн Сино асарларини Европада XII асрда бошлаб латин тилига ўгирилиши. Тиб қонунларини XV асрдан бошлаб 40 мартаба нашр қилиниши. Абу Али ибн Сино Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири.

7-мавзу. Абу Райҳон Беруний Хоразм

Маъмун академиясининг раиси

Ўрта асрларнинг қомусий алломаси Беруний яшаган даврга қисқача характеристика. Хоразм Маъмун академиясининг вужудга келиши. Абу Райҳон Берунийнинг Хоразмшоҳлар саройидаги фаолияти. Абу Наср Мансур ибн Ироқ Берунийнинг устози. Берунийнинг қадимги тилларни ўрганиши. Беруний ва Маҳмуд Ғазнавий. Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари. Берунийнинг тарих концепцияси. Берунийнинг “Ҳиндистон” асари ҳиндшуносликда тенги йўқ асар. Берунийнинг “Минерология” асари ушбу соҳада ноёб асар. Берунийнинг доривор гиёҳларга бағишланган “Сайдана” асари. Беруний фан тарихида янги фан соҳаси – Геодезия асосчиси. “Геодезия” асари. Географияда денгизлар назарияси ва ернинг биринчи шарсимон глобусини яратиши. Берунийнинг “Ибн Сино билан ёзишмалари” ва унда дунёқараш масалалари. Беруний асарларининг мусулмон Шарқи маданиятига таъсири. Беруний асарларига бағишланган европалик олимлар асарлари. Ўзбекистонда Берунийшунослик. Абу Райҳон Берунийнинг бизгача етиб келган 31 асарида 24 таси немис, инглиз, рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниши ва тадқиқ этилиши. Ўзбекистонда Фан соҳасида Беруний номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиши. Беруний номининг Ойдаги кратерда абадийлаштирилиши. 1986 йилда Қуёш тизимида кашф этилган ва Гарвард марказида 9936-рақам билан рўйхатга олинган кичик планеталардан бирига унинг номи берилиши.

8-мавзу. Абу ал-Муъйин ан-Насафий, Маҳмуд аз-Замахшарий ва Бурхонуддин ал-Марғинонийларнинг илмий мероси

Абул ал Муъйин ан-Насафий (1027-1147 йй.) ислом илоҳиёти, фалсафаси, калом илмини ривожлантирган аллома. Насафий ал-Мотурдий таълимотининг давомчиси. Насафийнинг калом илми масалаларига бағишланган 15 дан зиёд асарлари. Алломанинг “Баҳр ал-калом” китоби ислом дини фалсафасини ташкил қилган калом илми бўйича энг қимматли манбадир.

Маҳмуд аз-Замахшарий (1075-1144 йй.). Хоразм заминида жаҳон фани ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган аллома. Бухородаги таҳсил. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг устозлари. Олимнинг Марв, Нишопур, Исфаҳон, Шош ва Боғдод ҳамда Маккада илмий ишлар билан шуғулланиши. Унинг Маккада “Жоруллоҳ” (Аллохнинг қўшниси)

лақабини олиши. Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тафсир, Ҳадис ва фикҳга оид 50 дан ортиқ асарлар ёзиши. Унинг араб тили грамматикасига оид “Ал-Муфасссал” номли китобини ёзиши. Замахшарий араб тилшунослиги асосчиларидан, у дунёдаги биринчи кўп тилли луғат муаллифи (арабча-форсча, арабча-форсча-туркийча); ўзак сўзлар алифбоси тамойилига асосланган араб тили луғатларининг яратилишини янги усули асосчиси. Замахшарий ижодини ўрганилиши тарихидан. Аз-Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф ан-ҳақоик ит-танзийл ва уйун ил-ақвоийл фи вужуҳ ит-таъвийл” (“Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш”) асарини Қуръон тафсирига бағишланиши. “Ал-Кашшоф” асари Қуръонни ўрганишда муҳим манба. Замахшарийнинг даҳоси ва билими бутун мусулмон Шарқида унга катта шухрат келтириши.

Бурхонуддин ал-Марғиноний (1123-1197 й.й.) Ўрта Осиёдаги буюк фикҳшунос аллома уни Самарқанддаги фаолияти. Уни таълим олган 40 дан ошиқ устози. Унинг фикҳшуносликка оид асарлари. Ал-Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бўлган “Ҳидоя” асари. “Ҳидоя” даги фикҳий масалалар. “Ҳидояни” нашр этилиши. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан 2000 йилда Ал-Марғинонийнинг 910 йиллик таваллуд санасининг кенг жамоатчилик томонидан нишонланиши.

9-мавзу. Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг ҳаёти ва илмий мероси.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти.

Муҳаммад Тарағай (Улуғбек) (1394-1449 йй). Темурийлар ҳукмдори, улуғ мутафаккир аллома. Мирзо Улуғбек ва Амир Темур. Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд илмий муҳитини шаклланишидаги роли. Темур кутубхонасининг бойитилиши. Мирзо Улуғбекнинг яқин сафдошлари: Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи. Самарқандда Улуғбек расадхонасининг бунёд этилиши ва унинг аниқ фанлар ривожланишида тутган ўрни.

Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида Улуғбек мадрасаларининг тикланиши. Улуғбекнинг “Зижи жадиди Кўрагоний” асари. Самарқанд астронимия мактаби.

Мирзо Улуғбек илмий меросининг дунёга ёйилиши. Мирзо Улуғбек меросини бугунги кунда ўрганилиши. “Темурийлар ренессанси”.

Алоуддин Али Ибн Муҳаммад ал-Қушчи Мирзо Улуғбекнинг содиқ шогирди ва “фарзанди аржуманди”.

Али Қушчининг Самарқанддаги расадхона қурилишида иштирок этиши. Улуғбекнинг фожиаи ўлиmidан кейин Усмонли Султон Муҳаммад II нинг саройга келиши. Али Қушчининг 1472-йилдан Аё София мадрасасининг бош мудир бўлиб тайинланиши. Улуғбек кутубхонаси сири. Али Қушчининг рисоалари ва уларнинг фан тарихидаги ўрни.

Алишер Навоий (1441-1501) улуғ мутафаккир шоир, аллома.

Темурийлар даврида “Ҳирот академияси”. Навоий Самарқандда. Султон Ҳусайн Байқаро ва Алишер Навоий. 1472-йилдан Алишер Навоийнинг вазир этиб тайинланиши. Алишер Навоий ва Ҳирот сиёсий ҳаёти. Алишер Навоий томонидан “Ихлосия” мадрасаси, “Ҳалосия” ҳонақоҳи ва “Шифоия” шифохонасининг қурилиши.

Улуғ амир Навоийнинг сафдошлари. Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси. “Ҳамса”. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий.

Алишер Навоийнинг фалсафий дидактик асарлари. Ўзбек Навоийшунослари илмий ишлар тавсифи. Навоий мероси ва ҳозирги замон.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) адиб, шоир, олим ва йирик давлат арбоби. Бобур Ҳиндистонда бўлган салтанат асосчиси. Бобурнинг “Мубаййин” ва “Бобурнома” асарлари ва уларнинг илмий аҳамияти. Бобуршунослик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти. Бобур ва ҳозирги замон.

III. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларида талабалар “Шарқ алломаларининг илмий мероси” фанидан маъруза дарсларида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, семинарлар мавзулари бўйича тайёргарлик кўриш жараёнида қўшимча адабиётлар ва тарихий манбалар билан танишиш орқали қўшимча билим ва хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Натижада уларнинг билим доиралари илмий жиҳатдан асосланган ҳолда кенгаяди.

“Шарқ алломаларининг илмий мероси” фани бўйича семинар машғулотларининг тавсия этиладиган мавзулари:

1. Кириш. Фаннинг мақсад ва вазифалари.
2. Мусо ал-Хоразмий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний ва Аҳмад ал-Марвазийнинг ҳаётлари ва фаолиятлари.
3. Имом ал-Бухорий ва Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийларнинг ҳаёти ва илмий мероси.
4. Абу Наср Форобий ўрта асрнинг буюк қомусий олими.
5. Абу Мансур ал-Мотурудий – буюк калом имоми ва фикҳ алломаси. Қафқол аш-Шоший Ўрта Осиёлик буюк аллома.
6. Абу Али ибн Сино – Ўрта Осиёлик буюк энциклопедист аллома.
7. Абу Райҳон Беруний Хоразм Маъмун академиясининг раиси.
8. Абу ал-Муъйин ан-Насафий, Махмуд аз-Замахшарий ва Бурхонуддин ал-Марғинонийларнинг илмий мероси.
9. Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг ҳаёти ва илмий мероси. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти.

Изоҳ: Ишчи фан дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур семинар машғулот учун белгиланган соат ҳажмидан

ташқари соатлар ҳажмига мос мавзулар танлаб белгиланади.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълимдан кўзланган мақсад ва вазифалар - бу талабаларда мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Мустақил таълим семинар машғулотларига тайёргарлик кўришдан ташқари фан дастурида кўрсатилмаган, аммо фан бўйича талабанинг билим доирасини кенгайтирувчи қўшимча мавзулар доирасида берилган топшириқларни бажаришни ўз ичига олади.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасида юбилейлари нишонланган Ўрта Осиёлик алломалар ҳақида маълумот тайёрлаш.
2. Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фағоний ва Бурҳониддин Марғинонийнинг юбилейлари тадбирига оид фотоальбом тайёрлаш.
3. “Мусулмон Уйғониш даврида Ўрта Осиёда илм-фан” мавзусида реферат ёзиш.
4. ЎЗРФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган алломаларимизнинг асарлари рўйхатини тузиш.
5. “Ислом ва илм” мавзусида илмий мақола ёзиш.
6. “Мусо Хоразмий ва Абу Абдуллоҳ Хоразмийларнинг дунё цивилизациясидаги ўрни ҳақида” эссе ёзиш.
7. Ўрта Осиёлик алломалар ижодида илмлар таснифи мавзусида реферат тайёрлаш.
8. “А. Мец Мусулмон Уйғониш даври муаммоси билан шуғулланган шарқшунос олим” мавзусида илмий мақола ёзиш.
9. “Ф. Роузентал Қуръонда “илм” тушунчасини таҳлил қилган олим” мавзусида илмий мақола ёзиш.
10. Қуръони Каримнинг ўзбекча таржималари хусусида маълумот тайёрлаш.
11. Ат-Термизийнинг “Аш-Шамоил ан-Набавийа” асари хусусида маълумотнома ёзиш.
12. “Аҳмад ал – Фарғоний Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир” мавзусида маъруза тайёрлаш.
13. “Абу Наср Фаробий улуғ қомусий аллома мавзусида ” реферат ёзиш.
14. “Қафғол аш-Шоший - Ҳазрати Имом” мавзусида илмий-оммабоп мақола тайёрлаш.
15. “Абу Мансур ал Мотуридий буюк калом имоми” мавзусида кичик тадқиқот яратиш.
16. Абу Али ибн Сино асарлари библиографиясини тузиш.
17. “Абу Али ибн Сино буюк қомусий аллома” мавзусида маъруза тайёрлаш.
18. Абу Райхон Беруний асарлари библиографиясини тузиш.
19. “Абу Райхон Беруний Хоразм Маъмун академиясининг йирик олими” мавзусида реферат ёзиш.

	20. “Абу Муъин Насафий ислом ислоҳиётчиси” мавзусида реферат ёзиш. 21. “Бурҳонуддин Марғиноний ва унинг “ал – Ҳидоя” асари” мавзусида илмий мақола ёзиш. Изоҳ: Ишчи фан дастурини шакллантириш жараёнида ишчи ўқув режада мазкур машғулоти турига ажратилган соат ҳажмига мос ишлар танлаб бажарилади.
3.	V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар) Фанни ўзлаштириш натижасида талаба: • курсниг мақсад ва вазифалари, Ўрта Осиёда фаннинг шаклланиши ва тарақиёти, фандаги асосий йўналишлар тарихини билиши керак. • Ўрта Осиёда диний билимлар билан дунёвий билимларнинг ўзаро алоқадорлигини; • Ўрта Осиё алломаларининг фаолияти ва уларни қолдирган илмий меросларини билиши керак; • Ўрта Осиёда фаолият олиб борган илмий марказлар; • Шарқ алломаларининг тарихининг турли даврларидаги тарихий жараёнларнинг ўзига хослиги ҳақида ҳақида тасаввурга эга бўлиш. • тарихий маълумотларни ҳолис, тарихийлик асослари асосида таҳлил қилиши ва мустақил тадқиқ қилиш; • Ўрта Осиё Ренессансини билиш; • фанининг муҳим воқеалар билан боғлиқлигини билиш қўникмаларига эга бўлиши керак.
4.	VI. Таълим технологиялари ва методлари: • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (манتيкий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	VII. Кредитларни олиш учун талаблар: Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.
6.	Асосий адабиётлар 1. Маънавият юлдузлари. -Т.: Фан, 1999.

2. Ислом энциклопедияси. -Т., 2004.
3. Иброҳимов Абдуқаҳҳор Биз ким ўзбеклар. –Т., 2001.
4. Ислом тасаввуфи манбалари. -Т., 2005.
5. Низомиддинов Н. Жанубий - Шарқий Осиё: диний фалсафий таълимотлар ва ислом. -Т., 2006.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамыз. –Т.: Ўзбекистон..2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон маънфатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Қонституцияси қабул қилинганининг 24 йилигига бағишланган тантанали маросимидаги маросимидаги маърузаси. – Тошкент.: Ўзбекистон. 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. –Тошкент.: Ўзбекистон. 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3296658>.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал- Бухорий. Хадис 1-4 жилд. - Т., 1997.
6. Холуқ Нурбоқий. Қуръони Каримнинг илмий мўъжизалари. –Т., 2002.
7. Абдурахмонов Абдулхай Саодатга элтувчи билим I-II китоб. - Т., Мовароуннахр, 2003.
8. Ҳамидов К. Олис – Яқин юлдузлар. – Т., 1990.
9. Хайруллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. – Т.: Фан, 1994.
10. “Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. - Самарқанд, 1998.
11. Мозийдан таралган Зиё. Имом ал – Бухорий. – Т., 1998.
12. Қайюмов А. Аҳмад Фарғоний. –Т., 1998.
13. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб – мусулмон маданияти. –Т., 1990.
14. Ҳамидов К. Олис – яқин юлдузлар. –Т., 1990.
15. Мозийдан таралган зиё. Имом ал – Бухорий. – Т., 1998.
16. Ат – Термизий. Саҳиҳи Термизий. – Т., 1993.
17. Буюк алломалар 1-2 ж. – Т., 1998-2000.
18. Тўлқин Ҳайит. “ Қоффол Шоший ”. - Т., 2004.
19. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Муҳаффининг тарихи. – Т., 1995.
20. Муҳаммадрасул ўғли А. “Қаффол Шоший ибрати”, “Хидоят”, 2004.
21. Иброҳим Микоил ўғли Велиев. Қоффол Шоший. Қисқача маълумотнома. –Т.: Истиқлол, 2005.

22. Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Маъмун академияси. – Т., 2005.
23. Абу Райхон Беруний. Танланганлар асарлар. – Т.: Фан, 1973.
24. Кормилицин А. Беруни и книга. – Т., 1993.
25. Беруний туғилган кунининг 1000- йилиги. – Т.: Фан, 1973.
26. Қодиров А. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. –Т., 1990.
27. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т., 1997.
28. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. –Т., 1999.
29. Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. –Т., 1987.
30. Абу Али ибн Сино. – Т., 1980.
31. Бурҳонуддин ал- Марғиноний. Ҳидоя. –Т., 2000.
32. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. –Т.: Адолат, 2001.
33. Абул Муъин ан-Насафий. Тавҳид қоидаларига муқаддима. Т.: Мовароуннахр, 2006.
34. Хидиров А. Абу Райхон Берунийнинг тарихий асарлари ва уларнинг Ўзбекистонда ўрганилиши. ЎзМУ хабарлари. 2002 й. 3-сон.
35. Абу Ийсо ат-Термизий. Аш-шамоил ан-набавия. У.Уватов таржимаси. –Т.: Чўлпон, 1993.
36. Насируддин Бурхониддин Рабғузий. 1-2 китоблар Юсуфхон Шокиров таржимаси. –Т.: Ёзувчи, 1990-1991.
37. Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавий Жомеъ ул-мутун. М.Кенжабеков таржимаси. –Т.: Мовароуннахр, 2000.
38. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Аскар Маҳкам таржимаси. – Т., 1999.
39. Алихонтура Соғуний. Тарихи Муҳаммадия. –Т.: Мовароуннахр, 1997.
40. Н. Комилов. Тасаввуф. 1-китоб. –Т., 1996.
41. Н. Комилов. Тасаввуф. 2-китоб. –Т., 1999.
42. Ю.Маҳмуд Аъсад Жушон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. II. Хасан таржимаси. –Т., 1998.
43. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Нодирхон Хасан таржимаси. –Т., 1999.
44. Эрнст Карл. Суфизм. –М., 2002.
45. Фаридиддун Аттор. Илоҳийнома. Н. Комилов таржимаси. –Т., 1994.
46. Фаридиддун Аттор. Тазкират ул-авлиё. М.Кенжабек таржимаси. –Т., 1997.
47. Холлук Нурбокий. Қуръони Каримнинг илмий мужизалари. Миразиз Аъзам таржимаси. Т.: Адолат, 1999.
48. Маҳмуд Аъсад Жушон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Н. Хасан таржимаси. –Т.: Чўлпон 1998.
49. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Н. Хасан таржимаси. –Т.: Истиқлол, 1999.
50. Муҳаммад Сиддик Рушдий. Авлиёлар Султони, туронлик валийлар. Нашрга тайёрловчи Икромиддин Останақул Оққўргоний. –Т.: Камалак, 1995.

51. Мансуров Ш. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Муаллиф тузувчи Жураев. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
52. Хусайн Воиз Кошифий. Футуватномаи султоний ёхуд жувонмардлик тариқати. Н. Комилов таржимаси. Т.: Абдулла Қодирий, 1994.
53. Азизиддин Насафий. Зубдат ул - Хакойик. Н. Комилов таржимаси. - Т.: Камалак, 1995.
54. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. Улуғбек Абдувахоб таржимаси. - Т.: Ёзувчи, 1997.
55. Хожи Исматуллох Абдуллох. Марказий Осиёда ислом маданияти. -Т.: Шарқ, 2005.
56. Маънавият юлдузлари. -Т., 2001.
57. Имом Абу Хомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумидин-дин. -Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
58. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. -Т.: Мовароуннаҳр, 2004.
59. Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. -Т.: Шарқ, 2007.
60. Иброҳим Ҳаққул. Мерос ва моҳият. –Т.: Маънавият, 2008.
61. Ш.Ғойибназаров. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. - Т.: Ўзбекистон, 2009.
62. “Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашнинг илмий-мафкуравий асослари” мавзусидаги Республика илмий-услубий конференцияси материаллари. -Т.: Муҳаррир нашриёти, 2010.
63. Имом ал-Бухорий сабоқлари маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 4/2011.
64. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. -Т.: Академнашр, 2011.
65. Тафаккур дурдоналари. 111 Ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. -Т.: Янги аср авлоди, 2012.
66. Фаридиддун Аттор. Тазкират-ул-авлиё. –Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2013.
67. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. –Т.: Хилол-Нашр, 2014.
68. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мазҳаблар – бирлик рамзи. –Т.: Хилол-Нашр, 2014.
69. Буюк юрт алломалари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У. Уватов. Ўзбекистон; Тошкент, 2018.
70. Старр Стивен. Утраченное Просвещение: Золотой век Центральной Азии от арабского завоевания до времен Тамерлана. Альпина Паблишер. Москва. 2017.

Ахборот манбаалари

1. www.eurasia.org.ru.

	2. www.history.ru 3. http://www.philos.msu.ru/fac/history/ 4. www.museum.ru 5. www.ziyonet.net.
7.	Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2020 йил 29 августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 452 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.
8.	Фан/модуль учун масъуллар: А. Хидиров – БУХДУ Тарих ва Юридик факультети “Археология ва Бухоро тарихи” кафедраси ўқитувчиси
9.	Такризчилар: Ж.Ш Хайитов – БУХДУ Тарих ва Юридик факультети “Археология ва Бухоро тарихи” кафедраси тарихи” кафедраси дотсенти, тарих фанлари доктори. Е.Ю.Ергашев – БУХДУ Тарих ва Юридик факультети “Археология ва Бухоро тарихи” кафедраси доценти

